



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

**Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни
(ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган
тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қиласди:

1. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151, 2017-68-сон “Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2958, 2017 йил 29 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2017 й., 10/17/2958/0477-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсан.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. Мусаев

Тошкент ш.,
2019 йил “31” днвар,
2019-02-сон



Ўзбекистон Республикаси
Давлат солик қўмитасининг
2019 йил 31 январдаги
2019-07-сон қарорига
ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни
(ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни
ҳисоблаш ва соликлар тўлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги қарори 8-бандига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва соликларни тўлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом:

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган қатъий белгиланган солик тўловчиларга;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмгача бўлган ягона солик тўловини тўловчи якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан тадбиқ этилади.

2. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми календарь йил давомида бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар соликлар ва мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайди ҳамда бухгалтерия ҳисобини қонун хужоатларида белгиланган тартибда юритади.

**2-боб. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун даромадларни ва товар
операцияларини ҳисобга олиш регистрлари**

3. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари ҳамда товар чеклари китобчаси юритилади.

4. Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари ва товар чеклари китобчаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик

кўмитасининг 2019 йил 7 январдаги 2, 2019-05-сон “Солик ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг (рўйхат раками 3126, 2019 йил 21 январь) 11-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

Бунда даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари китоб шаклида (бундан буён матнда Ҳисобга олиш китоби деб юритилади) тикилади, унинг биринчи варагида якка тартибдаги тадбиркор тўғрисидаги маълумотлар тўлдирилади.

Ҳисобга олиш китобининг кейинги варакларида фаолият туридан келиб чиқиб:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг товарлар харакати тўғрисидаги регистри;

тижорат фаолияти учун четдан товарлар олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг товарлар харакати тўғрисидаги регистри;

хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг кўрсатилган хизматлар харакати тўғрисидаги регистрлари ўз фаолияти учун лозим бўладиган миқдорда (варакда) тикилади.

5. Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган фаолият турлари билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркор товар чеклари китобчасини солик органларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиши лозим.

Товар чеклари китобчаси якка тартибдаги тадбиркорнинг аризасига асосан у рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказилади.

3-боб. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан даромадларни ва товар операцияларининг ҳисобини юритиш

6. Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар товар чеклари китобчасини юритишлари шарт.

7. Ҳисобга олиш китобидаги ёзувлар уларни тўғрилигини тасдиқлаш учун, у билан бирга сақланадиган ҳужжатлар асосида юритилади.

8. Куйидагилар якка тартибдаги тадбиркор томонидан харид қилинган товарларни (ишларни, хизматларни) манбанин тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

шартнома;

товарларни (ишларни, хизматларни) олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

9. Куйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади:

назорат-касса машинаси умумий кўрсаткичи – назорат-касса машинаси қўлланилиши орқали товарлар сотилганда;

банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари чеклари нусхалари – ҳисоб-китоб терминали қўлланилганда;

товар чеклари китобчаси – товар чеки берилганда.

10. Сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар реквизитлари тўғрисидаги (товарларни сотиш, кўрсатилган хизматлар, буюртмалар манбанин тасдиқлайдиган хужжат, кирим хужжати, тўлов хужжати, товар коди, ўлчов бирлиги, харид ва хизмат нархи) маълумотлар Ҳисобга олиш китобга шу куннинг ўзида тегишли ёзувлар билан қайд этилади.

Кунлик сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар суммаси назорат-касса машинаси кўрсаткичи билан ва/ёки банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари чеклари ёки ёзилган товар чеклари суммаси билан мос тушиши керак.

11. Ҳар бир мижозга товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар товар чеклари китобчасининг алоҳида варагида акс эттирилади. Товар чеклари китобчасидаги варака икки нусхада тўлдирилади, бир нусхаси кирқиб олинади ва харидорга берилади, иккинчи нусхаси товар чеклари китобчасида тикилган ҳолда колади.

Бунда харидорга бериладиган ва ўзида қоладиган товар чеклари китобчасидаги варакасида барча ёзувлар айнан бир хил бўлиши керак.

12. Товар чеклари китобчасидаги варакаларда қуйидаги ёзувлар:

якка тартибдаги тадбиркорнинг СТИР, Ф.И.О. ва имзоси – товар чеклари китобчасини солик органида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилгунга қадар барча варакларда якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил равишда киритилади;

қолган ёзувлар – товар чеки харидорга берилилгунга қадар сотиш, хизмат кўрсатиш ва буюртмаларни бажариш пайтида киритилади.

13. Товар чеклари китобининг вараклари тўлдирилганда:

“Товар, хизмат ва буюртма номи” устунида товарнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қисқа номи акс эттирилади;

харидорга сотиладиган ҳар бир товар, кўрсатиладиган хизматлар ва буюртмалар алоҳида сатрда акс эттирилади. Агар битта харидорга сотиладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматлар ва буюртмаларнинг барча номини товар чеклари китобчасининг бир варагида акс эттириш имкони бўлмаса, битта харидорга сотиш бир неча варакларда расмийлаштирилади ва унга биттадан ортиқ товар чеки берилади;

товар чеклари китобчаси варагининг тўлдирилмаган сатрлари чизиб қўйилади;

нарх, микдор, сон ва сумма тўғрисидаги маълумотлар рақамлар билан киритилади;

нарх ва сумма тўғрисидаги маълумотлар сўмда кўрсатилади.

14. Товар чеклари китобчаси тугашига қадар, якка тартибдаги тадбиркор давлат солик хизмати органларида факат битта янги товар чеклари китобчасини рўйхатдан ўтказиши мумкин.

4-боб. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни аниқлаш

15. Якка тартибдаги тадбиркорларни қатъий белгиланган соликка тортиш тартибидан ягона солик тўловига ўтказиш учун солик органларига қуйидаги белгилар асос бўлиши мумкин:

якка тартибдаги тадбиркор томонидан тақдим этиладиган солик хисоботи;

хизмат кўрсатувчи банклардаги хисобваракларида 100 миллион сўмдан ошган бироқ бир миллиард сўмгача товар айланмани амалга оширганлиги тўғрисидаги банк маълумотлари;

камерал назорат натижасида якка тартибдаги тадбиркор томонидан қиймати 100 миллион сўмдан ошган бироқ бир миллиард сўмгача бўлган товарларни сотиб олинганди;

давлат божхона хизмати органларидан олингандаги маълумотта кўра суммаси 100 миллион сўмдан ошган бироқ бир миллиард сўмгача бўлган товарларни импорт қилинганди;

белгиланган тартибда ўтказилган хронометраж кўздан кечириш натижалари билан тушуми 100 миллион сўмдан ошган бироқ бир миллиард сўмгача эканлиги хисоб-китоб қилинган ҳолатда;

тегишли ташкилотлардан олингандаги бошқа маълумотлар асосида тушуми 100 миллион сўмдан ошган бироқ бир миллиард сўмгача бўлган деган хуносага келинганди.

16. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олингандаги тушуми бир календарь йилдаги ойлар давомида ўсиб борувчи тушумдан келиб чиқиб аниқланади.

17. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олингандаги тушуми миқдори фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор учун барча фаолиятидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олингандаги жами тушумидан келиб чиқиб аниқланади.

5-боб. Якка тартибдаги тадбиркорларни ягона солик тўлови тўлашга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари

18. Календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олингандаги тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмагандаги якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солик тўловини тўлашга ўтказилади.

Бунда календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олингандаги тушуми миқдори 100 миллион сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб якка тартибдаги тадбиркор товар айланмасидан ягона солик тўловини тўлашга ўтади.

19. Календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олингандаги тушуми бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайди.

Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олингандаги тушуми миқдори бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ихтиёрий равишда қайта юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият кўрсатишлари ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини сақлаб қолган ҳолда юридик шахслар учун назарда тутилган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашга ўтадилар.

20. Календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган соликни тўлади.

21. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиша қатъий белгиланган солиқ солиш даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум солиқ солиш базасига киритилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларга юридик шахслар учун назарда тутилган соликлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблашда қатъий белгиланган ва ягона солиқ тўловини тўлаш давридаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум солиқ солиш базаси сифатида қаралмайди.

22. Календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўм ва бир миллиард сўмдан ошган ҳолатда фаолиятини вақтингчалик тўхтатган (тугатган) якка тартибдаги тадбиркорлар, фаолиятини қайта тиклаган санадан бошлаб ягона солиқ тўловини ёки юридик шахслар учун назарда тутилган соликлар ва мажбурий тўловлар тўловчилари ҳисобланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўм ва бир миллиард сўмдан ошган ҳолатда фаолият турини тўхтатиб (бутунлай ёка вақтингчалик) бошқа фаолият турига ўзгартирса, олдинги фаолият турида амалга оширган товар айланмадан келиб чиқиб ягона солиқ тўловига ёки юридик шахслар каби умумбелгиланган соликларни тўлаш тартиби қўлланилади.

23. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган ойнинг кейинги ойдан бошлаб, қатъий белгиланган солиқ бўйича тақдим этилган имтиёзлар тадбик этилмайди.

6-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш муддатлари

24. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлари 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркор томонидан ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига товар айланмалари бўйича ҳисоботларни чорак якуни билан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Бунда, якка тартибдаги тадбиркор товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган ойнинг кейинги ойдан бошлаб тушумлар тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг товарларни (ишларни хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлари тўғрисида ҳисбот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 7 январдаги 2, 2019-05-сон “Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг (рўйхат раками 3126, 2019 йил 21 январь) 11-илювасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

25. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ ҳисботини тақдим этиш ва ягона солиқ тўловини тўлаш якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибида амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ягона солиқ тўловини аванс тариқасида тўлашлари мумкин.

26. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоб шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 7 январдаги 2, 2019-05-сон “Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг (рўйхат рақами 3126-сонли, 2019 йил 21 январь) 9-иловаси билан тасдиқланган.

27. Ҳисобланган солиқлар билан бир қаторда якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда фаолияти доирасида бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳам тўлашлари шарт.

28. Календарь йили давомида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ўзи ҳамда ҳар бир ёлланган ходим учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган миқдор ва муддатларда ягона ижтимоий тўлов тўланади.

7-боб. Якуний қоидалар

29. Якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблашнинг тўғрилиги ҳамда уларнинг қонунчиликка мувофиқ ўз вактида тўланиши юзасидан жавобгардирлар.

30. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳисоблаб чиқарилиши, тўланиши лозим бўлган солиқлар ва мажбурий тўловлар устидан назорат ҳамда тегишли чоралар давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

31. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

2019 йил “31” январь

Савдо-саноат палатаси
раисининг биринчи ўринбосари

2019 йил “31” январь

Д.Кучкаров

И.Жасимов

